

**Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа
ва бошқа мақсадларга
мўлжалланган ерларининг
ҳуқуқий ҳолати**

РЕЖА

- 1. Саноат ерларининг ҳуқуқий ҳолати.**
- 2. Транспорт ерларининг ҳуқуқий ҳолати.**
- 3. Алоқа ерларининг ҳуқуқий ҳолати.**
- 4. Мудофаа эҳтиёжлари учун мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати.**
- 5. Бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар**

1. Саноат ерларининг ҳуқуқий ҳолати.

Саноат ерлари тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 69-моддасида белгиланган. Унга кўра, саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар деганда саноат корхоналарига, шу жумладан кон саноати, энергетика корхоналарига ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ҳамда иншоотлар қуриш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар тушунилади. Демак, саноат ерлари саноат корхоналарининг улар зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун берилган ер майдонларидан иборат бўлади.



Саноат ерлари мамлакатимиз ер фонди тизимида транспорт, алоқа, муҳофаа мақсадларига мўлжалланган ерлар билан биргаликда алоҳида мустақил тоифани ташкил этади. Саноат ерларининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (69-70-моддалар) ҳамда саноат мақсадларига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш тартибини белгиловчи махсус қонун ости меъёрий ҳужжатлари билан тартибга солинади.



2. Транспорт ерларининг ҳуқуқий ҳолати.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида кўрсатилишича, транспорт мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига темир йўл, ички сув транспорти, автомобиль, ҳаво ва трубопровод транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига транспорт иншоотлари, қурилмалари ва бошқа объектларидан фойдаланиш, сақлаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш соҳасида улар зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар кирди.



3. Алоқа ерларининг ҳуқуқий ҳолати.

Алоқа ерлари деганда алоқа линияларини ҳамда уларга тегишли иншоотларни жойлаштириш учун алоқа, радиоэшиттириш, телевидение ва ахборот корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий фойдаланишга берилган ерлар тушунилади.

Алоқа ва электр узатиш линиялари ерлари таянч макони сифатида фойдаланилади. Улар ҳаво линиялари, ер ости кабель линиялари, зарур хизмат бинолари ва қурилмалари (подстанциялар, тақсимловчи қурилмалар, кабель будкалари ва шунга ўхшашлар) таянчи сифатида ажратилган ер участкалари қисмлари бўлиб, ички тузилишга эга бўлади.



Алоқа линиялари, электр узатувчи, ҳаво ва кабель линиялари учун ер полосалари, вақтинчалик қурилмалар, қурилиш монтаж механизмларини жойлаштириш, қурилма ва материалларни ташиш ва сақлаш учун ер участкалари қурилиш даврида қисқа муддатли фойдаланиш учун зарур бўлади. Шу турдаги ердан фойдаланишга нисбатан Ер қонунчилигида белгиланган (Ер кодекси 30-моддаси) ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи кенг қўлланилади. Алоқа ва электр узатиш линиялари атрофида уларни сақланиши учун, шунингдек хавфсизлиги мақсадида муҳофаза зоналари ўрнатилади.



4. Мудофаа эҳтиёжлари учун мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати.

Мудофаа эҳтиёжлари учун мўлжалланган ерларнинг тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида берилган. Ушбу қонунлар мажмуининг 69-моддасида кўрсатилишича, қуролли кучлар, чегара, ички ишлар ва темир йўл қўшинларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий ўқув юртлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг жойлашуви ҳамда доимий фаолияти учун берилган ерлар мудофаа эҳтиёжлари учун мўлжалланган ерлар деб эътироф этилади.



Бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар





ЭЪЛИБОРИНТИЗ
УЧУН
РАХМАТИ!

